

615.8  
К-712

Б. К. Косимов

ИГНА САНЧИБ  
ДАВОЛАШ

56 63/8/1

СС


ЎЗДАВМЕДНАШР  
1959

Б. Қ. ҚОСИМОВ

615.8  
к-712

# ИГНА САНЧИБ ДАВОЛАШ

бр. 63181



ЎзССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРИГИНИНГ  
ДАВЛАТ МЕДИЦИНА НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1959

На узбекском языке  
Б. К. НАСЫМОВ  
ЛЕЧЕНИЕ ИГЛОУКАЛЫВАНИЕМ  
Узмедгиз — 1959 Ташкент

Таржимон А. Камолов  
Редактор Ҳ. Расулов  
Техредактор П. П. Суханов  
Корректор Қ. Маҳамадшайхова  
Китобчанинг 1959 йилги Ўздавмеднашр  
нашридан таржима

---

Босицга рухсат этилди 10-IV-59 й. Қоғози  $84 \times 108$ . Физик босма л. 0,6. Шартли босма л. 1,0. Нашр л. 1. Тираж 5.000. ЎзССР  
Давлат медицина нашриёти Тошкент. Навои. 12. Бахоси 35 т.

---

Ўзмедгиз босмахонаси Тошкент 1959 й. Заказ № 25

## Игна санчиб даволаш

Хитойда құлланиладиган беморларни игна санчиб ва күйдириб даволаш (хитойча—чжень-цзю) усули жуда қадим замонлардан маълум.

Игна санчиш ёки акупунктура шундай даволаш усулки, бунда бемор баданинг маълум нуқталарига металл игна санчиб нерв системасига таъсир қилинади. Игнани терининг юзаси ёки ичкарисига суқишидан мақсад—унда механик таъсирот ҳосил қилишдир.

Күйдириб даволаш усули маълум моддаларни ёндириш натижасида ҳосил бўладиган иссиқлиқ билан тана-нинг маълум нуқталарига таъсир этишга асослангандир; бунинг учун асосан шувоқ ўсимлиги ишлатилади.

Игна санчиб даволашни хитой врачлари ихтиро қилганлар ва буни кўп асрлик тажрибаларида такомиллаштириб келганлар. Су Вэннинг эрамиздан икки минг йил илгари яратган классик медицина асарида баён қилининшича, ҳатто ибтидоий жамиятда ҳам бошқа дори-дармонлар билан бирга қуритилган ўтларни күйдириб ҳамда тошдан ясалган игна билан санчиб даволаш құлланилган. „Князликларнинг ўзаро кураши“ даврида (эрамиздан олдинги 400—300 йй.) тош игна ўрнига металл игна құлланилган, шувоқ эса одатдаги күйдириш воситаси бўлиб қолган.

Цзинь династияси даврида (265—420 йй.) санчиб даволаш усули медицинанинг маҳсус соҳаси бўлиб қолди. Тан династиясининг императорлари (618—906 йй.) маҳсус пунктатор-врачлар категориясини жорий қилдилар.

Санчиб даволаш усулига бағишилаб 200 дан ортиқ асар ёзилган бўлиб, булар тегишли расмлар билан бе-залгандир, бу асарларнинг энг қадимгисида ҳам турли хил касалликларни даволаш учун 600 дан кўпроқ игна санчиш нуқтаси батафсил кўрсатилган эди. Кейинчалик бу нуқталарнинг ўзаро алоқадорлиги текширилиб, улар 16 та маҳсус системага бирлаштирилган. Сун династияси даврида (960—1279 й.) Ван Вай-де деган врач қон томир системасининг ўша вақтда маълум бўлган бўлимларини ва нуқталарини мисдан ишланган манекенда чизиб қолдирган ҳамда „Мис одамнинг нуқталари атласи“ ни тузган.

Халқ врачларининг кўп йиллик тажрибасига асосланган ва яхши натижалар бериб келган бу даволаш усули халқнинг ишончини тўла оқлаган, лекин Цин династияси даврида ва кейинчалик гоминданчилар режими ҳукм сурган вақтларга келиб, Фарбда илм олган хитой врачлари бу усулдан юз ўғирдилар, уни ғайри илмий ва нотўғри деб инкор қилдилар. Шундан бошлаб пунктатор-врачлар таъқиб қилина бошладилар.

1949 йилда Хитой халқ республикасининг раиси Мао Цзе-дун ҳозирги замон врачларини қадимги медицина тажрибасидан кенг фойдаланишга, игна санчиб даволашни ўрганиш ва унинг терапевтик жиҳатдан таъсир қилишини чуқур ўрганишга чақириди.

Шу даврдан бошлаб озод Хитойда игна санчиб даволаш усули кенг қулоч ёзди, 1949 йилда Хитой тамомила озод қилингач, халқ соғлиқни сақлаш министрлиги игна санчиб ва күйдириб даволаш Эксперименталь институтини ташкил қилди; институт зиммасига халқ медицинасининг бу соҳада эришган ютуқларини ўрганиш ва умумлаштириш, игна санчиб даволаш усулини илмий жиҳатдан асослаш вазифаси юклатилди. Ҳозирги вақтда мамлакатнинг барча касалхона ва бошқа медицина мусассасаларида игна санчиб даволаш кенг қўлланилмоқда, шу билан бирга бу соҳа бўйича врачлар тайёrlайдиган курслар ҳам ташкил қилинган.

Хитой коммунистик партияси халқнинг қадимий бой маданий меросини ўрганиш ишига катта эътибор бериб келмоқда, шунингдек халқ медицинаси ва ҳозирги замон медицина фанини ёритишдаги айрим реакцион назарияларни тугатишга ёрдам бермоқда. Пекинда Чженъ-цю терапия илмий текшириш институти ташкил қилинган;

институтга Чжу Лянь деган аёл-врач раҳбарлик қилмоқда. Бу кўзга кўринган мутахассиснинг „Чженъ-цзю терапия ҳақидаги ҳозирги замон таълимоти“ китоби бир неча марта қайта нашр қилинган.

VI асрда игна санчиб ва кўйдириб даволаш Японияда, XVII асрда эса Европада (Францияда) маълум бўлди.

Ҳозирги вақтда бу усул Япония, Франция, Швейцария, Индонезия, Бирма ва бошқа мамлакатларда кенг қулланилмоқда.

Бу даволаш усули ҳақида рус адабиётида ўтган асрда ёқ маълумотлар бўлишига (Чаруковский, Виолин) ва кейинги йилларда айрим илмий ишлар нашр қилинганигига қарамай (Вяземский) Совет Иттифоқида акупунктура усули мутлақо қўлланилмаган.

1955 йилда илмий-техника жиҳатидан ҳамкорлик қилиниш совет-хитой комиссияси совет мутахассисларининг игна санчиб ва кўйдириб даволаш усулини ўрганиш ҳақидаги қарорни тасдиқлади. Шу мақсадда врач-мутахассисларимиздан (М. К. Усова, М. Н. Осипова, Э. Д. Тикочинскаяялар) Хитойга бориб келдилар.

Кейинги вақтларда чженъ-цзю терапия усули—Совет Иттифоқида (Москвадаги кўп поликлиникаларда, шу жумладан Боткин номли касалхона ва Москва университети поликлиникасида, шунингдек Ленинград ва бошқа шаҳарларда) ҳам қўлланилмоқда.

Акупунктура ишиас (қўймич нервининг касалланиши), нафас қисиши, мускул ревматизми, гипертония ва юрак касалликларини даволашда яхши натижалар беради.

Бу усул ҳозирги вақтда Тошкентда ишиас, радикулит, невралгия билан оғриган беморларни даволашда қўлланилмоқда.

Игна санчиб даволаш айниқса невралгиянинг турли хил кўринишларида самарали натижалар бермоқда. Бу усул бемор тез ёрдамга муҳтоҷ бўлганда, масалан, ҳушдан кетганда, иссиқ урганда ва юрак касаллиги оғирлашиб нафас қисганда яхши фойда беради.


Оғир касалликларда игна суқиши, бир томондан айрим рефлектор механизmlарни тезда изга солса, даволаш курси эса нерв-гуморал механизмини аста-секин қайта тиклайди ва организмнинг реактивлигини оширади.

Игна санчганда одатда бадан қаттиқ оғримай, шприц иғнаси билан оддий укол қилгандек бўлади. Игна санч-

ғинда кинида терининг шиниб чиқиши ёки қизариши ва иситмиллии сингари ёқимсиз реакциялар содир булмайди. Бу усул куттілған натижаны бермаганда ҳам, аммо кинида ҳеч қандай заарарлы таъсир қолдирмайды. Игна синиб даволашда инфекция, жароҳатланиш каби касалликларни тұғридан-тұғри бартараф қилиб бўлмайди; масалан, синган сүякни игна санчиб даволаш мумкин бўлмаса-да, аммо бу усул синган жойга ҳеч зарар кўрсатмай туриб оғриқни камайтиради ва организмнинг қаршилик қобилиятини оширади.

Аксарий ҳолларда игна санчиш бошқа даволаш (дори-дармон бериш, физиотерапетик) усуллари билан бирга қўшиб олиб борилади. Натижада бемор қисқа вақт ичидаги тузалиб кетади.

Даволаш учун ҳар хил узунликдаги ингичка игналар ишлатилади; бундай игналар аъло сифатли, зангламайдиган пўлатдан ясалади. Бундай игна эгилувчан ва кам оксидланадиган бўлади. Игнанинг асоси жуда ингичка, уни эса тўмтоқ бўлганлиги туфайли у тўқима орасига осонлик билан киради.



1-расм. Акупунктура игналари.

Игна синиб қолмаслиги учун унинг асоси ва банди яхлит металлдан ясалади. Игнани бемор баданида узоқ муддат қолдиришга тұғри келганды (баъзи бир касал-

ликларни даволашда игнани 24, 48, ҳатто 72 соатгача бемор баданига санчиб қўйилганда), доктор Чжу Лянь таклиф этган олтиндан ясалган Т симон игналар қўлла-нилади.

Игна санчиш нуқтаси касалликнинг характеристига қараб белгиланади. Даволаш уколи тўғридан-тўғри зарарланган жойгагина эмас, балки бутун организмга таъсир қиласи, шунинг учун санчиш нуқтаси зарарланган жойга яқин бўлиши шарт эмас. Шунингдек баданинг маълум узоқликдаги қисмини қўзгатиб таъсир этиш туфайли ҳам даволаш мумкин. Масалан, бош оғришини даволаш учун игнани оёқнинг маълум бир нуқтасига, тиш оғрифининг баъзи формаларида эса қўлнинг бирор нуқтасига санчилади. Шундай қилиб, санчиш нуқтаси беморнинг қандай касаллик билан оғриганлигига, шунингдек унинг жинси, ёши, соғлиғи ва овқатланишига қараб белгиланади.

Санчиш нуқтаси аниқлангач санчиш муддати ва қанча чуқурликка санчиш масаласи ҳал қилинади.

Игна санчишнинг иккита асосий усули бор. Биринчисида, игнани бир қўлда тутиб туриб, иккинчи қўлнинг икки бармоғи билан бемор терисини босиб турилиб, шу бармоқ орасидан белгиланган жойга санчилади. Иккинчи усулда эса игнани бир қўлнинг бош ва кўрсатгич бармоғи билан ушлаган ҳолда ўз ўқи атрофида айлантирилган ҳолда санчилади. Шунингдек игнани кетма-кет тез-тез юза санчиш ёки уни мускул тўқимаси ичигача айлантирган ҳолда санчиш ҳам мумкин. Биринчи усул одатда болаларни ва айрим ҳолларда катталарни даволашда, шунингдек игнани баданинг нозик ва сезигир жойига санчишда қўлланилади. Агар санчиладиган нуқта остидаги мускул ҳажми катта ёки қисқарган бўлса, иккинчи усулдан фойдаланилади; шунингдек бу усул нерв системаси касалланган bemорларни даволашда ҳам қўлланилади.

Игна санчилгач, нервнинг керак бўлган охирини ахтариб топиш керак. Бунинг учун врач bemорнинг сезув-чанлигига ва унда содир бўлган реакция даражасига амал қиласи. Одатда нервни топиш қийин эмас, лекин айрим вақтларда бунинг учун игнани суғуриб олиб қайтадан санчишга тўғри келади. Нерв аниқлангач, манипуляция тўхтатилиб игнани маълум муддатгача—бир

нече минутдан бир неча соатгача—бемор баданидан суғуриб олинмайди.


Даволанаётган bemor ўзини қандай касаллик билан оғриганлигига ва игна санчиш учун танланган нүқтанинг қаердалигига қараб турлича ҳис қиласи. Игна санчганда bemor ўзини чарчаган, совқотган, иситмалагандек сезади ёки бу санчиш унга электр қуввати билан таъсир қилингандек туюлади. Бемор бундай сезгиларни укол қилинган жойда ёки ундан узоқроқда ҳис қиласи. Одатда бу иш тўғри амалга оширилса, bemornинг умумий ҳолати яхшиланиб, у ўзини енгил сезади.

Ҳар бир сеансда икки, уч, ҳатто ўн нүқтага таъсир этиш мумкин. Ҳар қайси нүқтага қилинадиган уколнинг таъсирни турлича бўлади ва булар бир-бирига уйғунлашиб яхши натижага беради. Баъзан бир нүқтага бир неча марта игна санчиб турли хил натижага эришилади, бу, игнани санчиш ва уни bemor баданидан суғуриб олиш муддатига боғлиқдир. Даволаш бўйича ўтказиладиган ҳар қандай манипуляциядан мақсад организмга кучли ёки кучсиз таъсир этишдир.

Кучли таъсир этиш унумли бўлиб, узоқ вақтгача давом қиласи, бундан мақсад нерв системасининг қўзғалган ҳолатига қаршилик қилишдир. Иккинчи хил таъсир этиш ҳам унумли, лекин узоқ вақтга етмайди; бу, нервда керак бўлган таъсир ҳолатни вужудга келтиради.

Bemornинг аҳволи яхшилангач ва игна санчилган жойдаги оғриқ тамомила босилгач игнани эҳтиётлик билан суғуриб олинади. Одатда санчилган жойдан қончиқмайди.

Даволашни муваффақиятли ўтказишда қулай вақт танлаш муҳим ўрин тутади. Бунда bemor нерв системасининг умум ҳолатига, унинг яшаш шароитлари, касаллик сабабларига эътибор бериш лозим. Баъзан bemorни даволаш учун 10—15 кунгacha ҳар куни игна санчишга тўғри келади, бундай даволаш курси орасида bemorga бир неча кун танаффус берилади; айрим ҳолларда бир кун давомида бир неча марта, ёки аксинча, бир неча кун давомида бир марта игна санчилади. Davolash иши касалликнинг зўрайган даврларида, шунингдек бундай даврлар орсида ҳам ўтказилиши мумкин. Бунда касалликнинг кечиш процессига ҳам эътибор берилиши лозим. Масалан, bemorни даволаш иши без-



2-расм. Бошдаги игна санчиш нүкталари.

гак тутишидан 1—2 соат олдин бошланса, игна санчиш яхши натижа беради. Шунингдек ўткир гастрит билан касалланган беморнинг дарди оғирлашганда баданининг маълум нуқталарига игна санчиш билан оғриқни ўша заҳотиёқ бартараф қилинади. Шундай группа касалликлар борки, буларда игна саншиб даволаши иши касалликнинг зўрайган даврлари орасида ўтказилади.

### Куйдириб даволаш

Куйдириб даволаш учун тамаки, олtingугурт ва асосан шувоқ ишлатилади. Бу Хитойда кенг тарқалган ўсимлиkdir; шувоқда ўсимликка хос маҳсус оқсили бўлиши билан бирга унинг япроқ ва поясидаги безли қилчалар мойли секрет ишлаб чиқаради. Қуритилган япроқни ховончада туйилганда ундан толали тўқимага ўхшаш модда ҳосил бўлади. Бу моддани аста-секин ёндиригандага баданга иссиқлиқни жуда тез ўтказади.

Илгарилари куйдириб даволаш учун ёниб турган шувоқни терининг яқинига келтириб тутатардилар, бунинг оқибатида тери куйиб унда пуфакчалар пайдо бўлиб, ярага айланар ва унда ҳар хил инфекциялар содир бўларди. Ҳозирги вақтда эса куйдириб даволаш иши бу сингари кўнгилсиз ҳоллар юз бермайдиган қилиб амалга оширилади.

Ҳозирги замон даволаш усули қуийдагичадир: юқорида айтилганидек, қайта ишланган шувоқ юпқа қофозга сигарета сингари ўралади; бунинг ёндирилган учини врач кўрсатмасига биноан терининг маълум нуқтаси устида 0,5—1,5 см масофада тутилади.

Игна саншиб даволашга нисбатан куйдириб даволаш ишини амалга ошириш бирмунча осондир ҳамда бу усул қўлланилганда бемор унчалик қийналмайди. Бу усулни қўлланиш жуда оддий ва куйдириладиган жойни дезинфекцияламаса ҳам бўлаверади. Айрим хроник касалликларда беморлар, врач кўрсатмасига мувофиқ, баъзан куйдириб даволаш ишини ўзлари ўтказишлари мумкин.

Кўпинча куйдириб даволашни игна санчиш билан бирга қўшиб олиб борилади. Бунда санчилган игна терининг ичкарисидаги тўқималарга таъсир қилса, куйдириш билан эса касалликни терининг устки қисмидан таъсир кўрсатиб даволанади. Игна санчиш кучли, куйдириш эса кучсиз таъсир этишdir.

Касалликни игна санчиб даволаш аниқланган факт. Модомики шундай экан, унинг таъсир қилиш механизми нимадан иборат? Бу саволга ҳозирча назарий жиҳатдан тўла асосли жавоб топилганича йўқ. Шунга қарамай Хитой олимларининг бу соҳадаги текширишлари бундай муҳим масалани ечиш йўлида катта қадам бўлди.

Соғлом киши организми билан уни ўраб турган муҳит ўртасида мувозанатлик бор. И. П. Павлов таълимоти бўйича, касалликнинг пайдо бўлишига организм билан уни ўраб турган муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатнинг бузилиши сабаб бўлади. Патологик процесслар фақат айрим органларнинг функционал фаолиятинигина бузмай, балки организмнинг ташки зарарли таъсирларга қарши туриш қобилиятини ҳам сусайтиради. Нерв системасининг фаолияти туфайли бундай реакциялар организмнинг фақат зарарланган жойидагига эмас, кўпинча бутун организмда пайдо бўлади. Бу реакцияни вужудга келтиришда одам бош миясининг пўстлоғи катта роль ўйнайди. Кўпинча бош мия пўстлоғида қўзғалиш ва тўхталиш процесслари мувозанат ҳолатда булади. Агар организм зарарли таъсирга дучор бўлса (механик травмалар, физик-кимёвий факторлар, биологик таъсир этишлар), қўзғалиш ва тўхталиш процесслар ўзаро учрашишлари натижасида „қўзғалиш“ содир бўлади. Шу туфайли кейинчалик киши касалчин булиб қолади.

М. К. Петрованинг (Ленинград) тажрибасидан аниқланишича, олий нерв фаолиятининг бирор қисмининг издан чиқиши турли хил касалликларни, жумладан бүғим, тери, қулоқ, буйрак касалликларининг, шунингдек экзема, тери яллиғланиши, рак ва бошқаларнинг пайдо бўлишига сабаб булади. Олий нерв системаси фаолиятини изга солиш туфайли бу касалликларнинг айримларини ўз вақтида даволаш мумкин.

Игна санчиб даволаш касаллик қўзғатувчига, шунингдек бевосита зарарланган тўқимага таъсир қилмайди. Игна санчишдан мақсад нерв системасида бўладиган реакцияларни қўзғатиш ва тўғрилаб туриш, қўзғалиш ҳамда секинлатиш процессларининг нормаль активигини ва ўзаро алоқасини тиклашдан иборатdir.

Мисол тариқасида ўткир гастрит билан оғриган бемор овқат ёки сувни кўриши билан қайт қилиши устидаги тўхтаймиз. Агар касалликнинг бу (стадиясида)

даврида бемор баданинг маълум нуқталарига игна санчилса, унинг аҳволи яхшиланади ҳамда бемор қайт қилишдан тұхтайди. Бунга сабаб патологик агентнинг бош мияда құзғалиш үчоғини ҳосил қылғанлығидир. Санчилган жойдан борувчи нерв импульслари бош мия пұстлоғини активлаштиради, натижада мия пұстлоғи организм қаршилигини оширади. Шундай қилиб, бош мия пұстлоғи организмдаги нуқсонларни камайтиради, шунингдек патологик құзғалиш үчоқларини тугатади. Бу Павловнинг: бир рефлексдан кейин иккинчиси пайдо булса, илк пайдо бўлган рефлекс кучсизланади ёки йўқолади, деган машҳур сўзларини исботлайди.

Маълумки, айримavitaminoz касалликларини овқатда витамин етишмаслигидан эмас, балки уни үзлаштиришнинг бузилиши натижасида пайдо бўлади. Бундай бузилиш кўпинча нерв фаолиятининг издан чиқиши оқибатида рўй беради. Бундай беморларни витаминга бой бўлган овқатлар билан даволашдан кўра игна санчиш усулида даволаш осонроқ бўлади. Игна санчиб даволаш шунингдек ички секреция безлари (масалан, тиреотоксикоз каби) касалликларига қарши курашда яхши натижа беради. Шунингдек бу усул неврастения, ошқозон яраси, гепертония касалликларини даволашда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, игна санчиш натижасида ўтказилган таъсир маълум нерв жойлашган қисм ва санчилган жойдан ташқари тананинг бошқа жойларига ҳам тарқалади; бу таъсир игна санчилган жойдан маълум масофадаги органларга ҳам ўтади. Маълум бир нуқтага таъсир қилиш ҳар хил касалликларни тузатища ижобий натижа бериши мумкин. Бундан ташқари бир нуқтага таъсир этиш, аксинча, салбий натижа бериши, касалликнинг қандайлигига қараб, масалан, кўп терлатиши ёки бутунлай тер чиқармасликка олиб келиши мумкин.

Хозиргача заараланган қисмдан узоқдаги нуқтага таъсир этиш орқали баъзи касалликларнинг нима сабабдан даволанаётганлигини билмаймиз. Бундай рефлекс қайси йўлдан боради? Ухтомскийнинг фикрича, кучли құзғалиш ҳолатидаги нерв марказлари бошқа нерв марказларига ҳам таъсир қиласади. Бундай қараш Павловнинг ташқи тўсқинлик назариясига тўғри келади. Шуни қайд қилмоқ керакки, ҳозирги замон медицинасида қўлла-

нилаётган күпгина усуллар, масалан, уйқу билан даволаш нерв системаси функциясини активлаштириш ва түғрилашга асосланғандир, бу усуллар игна санчиб даволаш усули билан бирмунча умумий хусусиятга әгадир.

Доктор Чжу Лянь илгари сурган концепцияга би-ноан, марказий нерв системасининг рефлектор таъсири құзғатувчи ва тұсқынлик қилувчи күчлар асосида ётади ва шу туфайли организмдаги мавжуд трофик ва түғриланиш таъсиrlар содир бўлади. Игна санчиш ва куйдириш усулининг қатор касалликларни даволашдаги шифобаҳш таъсирини мана шу хусусиятлардан кўриш мумкин.


### Игна санчишни қўлланиш

Игна санчиб даволаш усули, айниқса баъзи касалликларни бошқа усуллар билан тузатиш мумкин бўлмаган ҳолларда ажойиб натижалар беради. Хитой Эксперименталь институтининг директори доктор Чжу Лянь ўзининг „Игна санчиб даволашнинг янги усули“ асарида бундай мисолларни кўплаб келтиради.


Шабкўрлик ёмон овқатланиш—авитаминоз натижасида пайдо бўладиган касаллик ҳисобланади, бунда кўзнинг мугуз пардаси бўшашибади. Беморнинг кўзи хиралашибади, қоронғу тушиши билан ўқиш, ҳатто йирик буюмларни бир-биридан ажратади олиш қобилиятини йўқотади. Бундай bemornинг кўзи биринчи уколдан кейин анча равшанлашибади. Тўртинчи уколдан кейин кечқурунлари ўқий оладиган бўлади, ўн кун ўтгач бутунлай соғайиб кетади.

Беморлардан бири бизга 15 кундан буён унинг бет нерви музлаб тортишадиганлигидан шикоят қилиб келди; унинг оғзи ўнг томонга қийшайиб, бет мускулларни чангак бўлиб тортишадиган ва музлайдиган булган. Бу bemor бетининг икки жойига игна санчиш натижасида қисқа вақт ичиди—10 минут ўтар-ўтмас—дарҳол соғайган.

Игна санчиб даволаш учун зарур шароит яратиш керак, бу ишни даволаш муассасасида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун даставвал касалликнинг диагнози аниқланиб, керакли анализлар олинади, шунингдек санчиш нуқталари белгиланади, шундан кейингина игна санчиб даволашга киришиш мумкин.



З р ісм. Тананинг орқа томонидаги игна санчиш нүқталари.



4-расм. Тананинг олд томонидаги игла съчаш нуқталари.

Игна санчиб даволашни маълум шароитда врач назорати остида ўтказамиз. Даволаш курси турли касалликлар учун турличадир. Масалан, нафас қисиш касаллигига беморни даволаш учун кунаро 7—10 сеанс ўтказилади. Шу билан бир вақтда бемор даволаш физкультураси билан шугулланади. Баъзи касалликлар комплекс усулда даволанади, бунда игна санчиш ҳар хил физиотерапевтик процедуралар—ванна, лой, электр ёрдамида, шунингдек дори-дармонлар бериб даволаш билан бирга олиб борилади.

Турли хил касалликларни даволашда игна санчиш усулини қўлланиш соҳасидаги тажрибамиздан бир нечта мисолларни келтирамиз:

Бемор Н-ая, 20 ёшда, уй бекаси; 1955 йилдан буён у қаттиқ мия оғриги касаллигидан азобланиб, ҳолдан кетган. Бемор бир неча марта касалхона ва амбулаторияда мутахассис-невропатологлар қулида мигрень касаллигига қарши даволанганилгига қарамай, ҳеч қандай яхши натижа ололмаган. Игна санчишнинг дастлабки сеансларидан кейин беморнинг аҳволи яхшиланди. Бош оғриги 8 сеансдан сўнг босилди, бемор тинч ухлайдиган бўлиб, ўзини яхши ҳис қила бошлади. Бемор доим врач назоратида бўлди. Охирги сеанс ўтказилганига ярим йилдан кўпроқ вақт ўтганига қарамай, унинг бирор марта ҳам боши оғримаган.

Бемор Х-ва, 34 ёшда, касби инженер. У 1957 йилнинг август ойидан бошлаб учлик нерв (иккинчи шохоб-часининг) невралгияси билан касалланган. Қаттиқ оғриқ натижасида bemор ухлай олмай нотинч бўлган ва невропатологларда даволанган. Орадан бир оз вақт ўтгач унинг аҳволи яхшиланган, аммо кейинчалик яна дарди оғирлашган. Бир марта ўтказилган игна санчиш сеансидан кейин оғриқ босилди ва беморнинг руҳи енгиллашиб, у шифоланди.

Бемор К-ев, 45 ёшда, касби бухгалтер. 1954 йилдан бери у қаттиқ мия оғриги ва уйқусизликка дучор бўлган; нафаси қисиб эснайди ва тили қалтирайдиган бўлиб қолган. Бу асоратлар беморнинг 1954 йилда грипп билан оғриши натижасида пайдо бўлган. У амбулаторияда узоқ вақтгача даволаниб соғаймаган, игна санчишнинг уч сеансидан кейин унинг аҳволи анча яхшиланаб, тинч ухлайдиган бўлди; қўшимча икки сеанс да-

волаш курси ўтказилгач, беморнинг бош оғриғи ҳам тузалиб кетди.

Бемор И-ва, 42 ёшда, уй бекаси. 1954 йилдан бошлаб неврастения (нерв системасининг заифлашиши) касаллиги билан оғрийди. Бемор доимо боши оғриши, кўп терлаши, уйқусизлик, иштаҳаси йўқлигидан шикоят қилди; у инжиқ бўлиб, кўп тер чиқаради, қорни оғриб, оёқ-қўллари увишади. Амбулатория ва стационарда даволаниб, унчалик фойда кўрмади. Игна санчишнинг уч сеансидан кейин bemорнинг аҳволи ва иштаҳаси яхшиланди. Ухлаш ва тер чиқариши изга тушди. Даволашнинг ўн сеансидан сўнг унинг умумий ҳолати яхшиланниб, бош оғриғи йўқолди, шунингдек оёқ-қўллари ҳам увишмайдиган бўлди.

Хозир республика соғлиқни сақлаш органлари игна санчиб даволаш усулини ҳамма жойда кенг миқёсда жорий қилишни амалга оширмоқдалар.


Кейинги вақтларда Тошкентда ва Тошкент обlastida ўзини игна санчиб даволовчи врач деб ҳисобловчи хитой ва корейслар пайдо бўлди. Текшириш натижасида шу нарса равшан бўлдики, ҳеч қандай медицина маълумотига эга бўлмаган бундай кишилар (улар орасида ҳатто сартарошлар ҳам бор) санитария қоидаларига хиллоф келтирган ҳолда игна санчишни ўтказиб bemорнинг аҳволини оғирлаштириб, ҳатто унинг ўлишига ҳам сабабчи бўлганлар.

Игна санчиб даволаш ишини медицина муассасасида маҳсус ўқув курсини тамомлаб чиққан ҳамда игна санчиш техникаси ва методикасини яхши әгаллаган врачина ўтказиши керак.

Игна санчиш ва куйдириш усули барча касалликларда қўлланилмайди. Бу усул билан сил, оғир инфекцион касалликларни, ўсма шиш ва диагнози аниқланган безгак касалликларни даволашга рухсат этилмайди. Шунингдек ҳомиладор аёллар, ҳолдан кетган кишилар, ёш бола ва кексаларга игна санчишни татбиқ қилиш ман қилинади. Қаттиқ маст бўлган ҳамда оғир психик ҳолатдаги bemорларга ҳам игна санчиб бўлмайди.

Игна санчиб ва куйдириб даволашни фақат врач рухсати билангина амалга ошириш мумкин.

Хозирги даврда Совет Иттифоқида чженъ-цю териапиясини клиник ва назарий жиҳатдан ўрганилмоқда. Бу усул илмий жиҳатдан тўла асосланмаган бўлишига қа-



рамай, унинг беморларни даволашдаги ижобийлиги равшан кўриниб турибди. Шу туфайли бу усулнинг кела-  
жаги порлоқ эканлигига ишончимиз комил.

Миллий хитой медицинасининг энг қадимги маданий ёдгорлиги бўлган бу усулни ҳозирги кунларда Совет ва Хитой олимлари ҳамкорликда текширмоқдалар.

Хитой ва Совет халқлари ўртасидаги йилдан-йил мустаҳкамланиб бораётган дўстлик—бу вазифанинг муваффақиятли бажарилишининг гаровидир.

---

50

16

615-8  
К-712

Б. Қ. Қосимов

# ИГНА САНЧИБ ДАВОЛАШ

56 63/8/1

66

ЎЗДАВМЕДНАШР  
1959